

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 184 (6788). 16 сентябрь, 1976 йил. ПАЙШАНБА Баҳоси 2 тийин.

„СОЮЗ-22“ УЧИРИЛДИ

ТАСС АХБОРОТИ

1976 йил 15 сентябрь кунин Москва вақти билан соат 12 да 48 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз-22» космик кемаси учирилди. Кемани командир Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси, полковник Валерий Федорович Биковский ва борт инженер Владимир Викторович Аксеновдан иборат составдаги экипаж бошқармоқда.

Космик фазонинг тинчлик мақсадларида тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш соҳасида социалистик мамлакатлар ҳамкорлиги программасига мувофиқ «Союз-22» космик кемаси учирилишидан асосий мақсад космосдан туриб халқ хўжалиги манфаатлари йўлида ер юзининг геологик-географик характеристикаларини ўрганиш илмий-техникавий методлари ва воситаларини пухталаш ва такомиллаштиришдан иборатдир. Шу вазифаларни ҳақ этиш учун космик кема ичига ГДР ва СССР мутахассислари ишлаб чиққан ва ГДРдаги «Карл Цейс Йена»

халқ корхонасида тайёрланган кўп зонали фотоаппаратлар ўрнатилган.

Учинчи программасига мувофиқ илмий-техникавий, медицина-биологик тадқиқотлар га экспериментларини бажариш ҳам кўзда тутилди.

«Союз-22» кемасининг экипажи билан барқарор радиобало ва телевизион алоқа боғлаб турилди.

Совет бошқарши маркази Совет Иттифоқи территориясида жойлашган кузатиш станциялари билан Атлантика океани акваториясининг турли районларида бўлган илмий-тадқиқот кемалари ёрдами билан «Союз-22» космик кемасининг учинини бошқаришда ва ундан келатган маълумотларини ишлаб чиқмоқда.

Космонавтар В. Ф. Биковский ва В. В. Аксенов ўзларини яхши ҳис қилтилар, кема ичидagi система-лар нормал ишлаб турибди.

Космонавтар Биковский ва Аксенов ўртоқлар учини программасини бажаришга киришдилар.



Полковник БИКОВСКИЙ
Валерий Федорович



А К С Е Н О В
Владимир Викторович

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Валерий Федорович Биковский 1934 йилда Москва областидаги Павловский посёда шаҳрида туғилди. Качинск ҳарбий авиация билим юртини тамомлаб чиққандан кейин Совет армияси авиация қисмларида хизмат қилди.

В. Ф. Биковский 1960 йилда космонавтар отрядига қабул қилинди. 1963 йилда «Восток-5» кемасида ўзининг биринчи космик учинини бажарди.

У 1968 йилда космонавтар тайёрлаш марказида нидан ажралмаган ҳолда

Н. Е. Жуковский номи ҳарбий-ҳаво инженерлик академиясини муваффақиятли тамомлади, беш йил ўтгач эса, техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади. Матбуотда босилган асарлари ва ихтиролари бор.

В. Ф. Биковский 1963 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

Космонавтининг рафиқаси Валентина Михайловна Эвездний шаҳарчасида ишлайди. Биковскийларнинг 13 яшар Валерий ва 11 яшар Сергей деган ўғиллари бор.

Владимир Викторович Аксенов 1935 йилда Рязань области, Касимов районидagi Губинский қишлоғида туғилди. 1953 йилда машина-созлик техникумини тамомлаб чиққандан кейин ҳарбий авиация мактабининг, сўнгра Чугуев ҳарбий авиация билим юртининг курсанти бўлди.

В. В. Аксенов 1937 йилда конструкторлик бюросида ишлаб бошлади ва Бутун-иттифоқ сиртки политехника институтига ўқишга кирди, бу институтни 1963 йилда тамомлади. У космик аппаратларнинг янги системалари

ни ишлаб чиқишда, уларни учириб синаб кўришда, шунингдек экипажларини учинига тайёрлашда актив қатнашди.

В. В. Аксенов космонавтар отрядига 1973 йилда қабул қилинди, у космик учиниларга тайёргарлининг тўла курсини ўтди.

В. В. Аксенов 1959 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

Космонавтининг рафиқаси Марина Васильевна конструкторлик бюросида ишлайди. Аксеновларнинг 12 яшар Валерий, 6 яшар Сергей исмли ўғиллари бор.

ошириш, умумхалқ байрами шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириш — шаҳар партия ташкилотларининг, барча меҳнаткашларининг муҳим вазифаси эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Ингиллиш шаҳардаги барча меҳнаткашларга қарата мурожаат қабул қилди. Мурожаатда шомил санани ишловлаш учун меҳнат вахтасини бошлашга даъват этилади. «Олтинш зарбдор ҳафтамиз улуғ Октябрьнинг 60 йиллигига!», дейилади мурожаатда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин Ингиллиш нидида иштирок этди. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ МЕХНАТКАШЛАРИ БАЙРАМ ОЛДИ ВАХТАСИНИ БОШЛАМОҚДАЛАР

Шаҳар партия-хўжалик активининг 14 сентябрь кунин бўлиб ўтган Ингиллиш улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кўтиб олиш соҳасида Тошкент партия ташкилотлари, саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа меҳнат коллективларининг вазифаларига бағишланди. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хужаев актив Ингиллишда доклад қилди.

Сўзга чиққан нотиялар Совет давлатининг шояли юбилейи шарафига мусобақа бошлаган Октябрь бешини. «Ленин шаҳри беш ишчиларининг ватанпарварлик ташаббусини Тошкент меҳнат коллективлари қизгин маъқуллаётгани тўғрисида гапирдилар.

Ингиллишда ишлаб чиқаришдаги барча резервларни ишга тушириш, ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида иш даражасини янада

«ИНТЕРКОСМОС» ПРОГРАММАСИГА МУВОФИҚ

14 сентябрь кунин Москвада «Интеркосмос» программасига қатнашувчи мамлакатлар граждандарининг совет космик кемалари ва станцияларида учини тўғрисидаги масала юзасидан маслаҳатлашулар бўлиб ўтди. Маслаҳатлашуларда БХР, ВХР, ГДР, Куба Республикаси, МХР, ПХР, РСР, СССР ва ЧССР делегациялари қатнашди.

Қердошларча ҳамкорлик ва

ҳамжиҳатлик руҳида ўтган маслаҳатлашулар давомида «Интеркосмос» программасига қатнашувчи ҳамма социалистик мамлакатларнинг граждандари совет космик кемалари ва станцияларида учини совет космонавтар билан бирга 1978 йилдан 1983 йилгача бўлган даврда қатнашадилар, деб келишиб олинди, шунингдек Ю. А. Гагарин номидаги космонавтарни тайёр-

лаш марказида уларнинг маънавияти бошлаш муддатлари белгиланди.

Маслаҳатлашуларда қатнашган ҳамма делегациялар «Интеркосмос» программасига қатнашувчи социалистик мамлакатлар вакилларининг космосга учинини ташкил этиш ташаббусини бошлагиллиги учун Совет Иттифоқида миннатдорчилик билдирдилар. (ТАСС).

ИБРАТЛИ ТАШАББУС

БРЯНСК ОБЛАСТИНИНГ КОЛХОЗЧИЛАРИГА, СОВХОЗЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИГА, ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ РАХБАРЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИГА, ПАРТИЯ, СОВЕТ, КАСАБА СОЮЗ, КОМСОМОЛ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ТАЙЕРЛОВ ОРГАНИЛАРИНИНГ, ТРАНСПОРТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИГА

Азиз ўртоқлар! КПСС Марказий Комитети Брянск области меҳнаткашлари партиянинг учинчи беш йиллигининг биринчи йилини юксак ишлаб чиқариш қўрсаткичлари юксак ишловлаш тўғрисидаги чадиритишга амалий ишлар билан янавоқ қайтарилганликларини мамнуният билан таъкидлайди. Сизларнинг давлатга 800 минг тонна, яъни маҳсулот тайёрлашнинг белгиланган ҳажмидан 125 минг тонна кўп картошка сотиш, шунингдек, ағир, сабзавот, мева ва деҳқончиликнинг барча бошқа турдаги маҳсулотларини харид қилиш планларини ортири билан бажариш юзасидан олган юксак социалистик мажбуриятларини — қишлоқ хўжалиги олдига КПСС XXV съезди қўйган вазифаларни амалий рўйида чиқаришдан иборат муштарак ишга қўшилданган яхши ҳиссидар.

Партиямиз галла проблемаси билан бир қаторда деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни қўлайтиришда ҳам ҳаммаша катта эътибор бериб

келди. Булар орасида картошка алоҳида ўрин эгаллайди. Халқ уртасида картошкани қадимдан ҳаққоний равишда «иккинчи нон» деб келишган. Картошка — қимматли озиқ-овқат, техника ва озуқа экинни. Шунинг учун ҳам сизнинг картошка етиштиришни қўлайтириш соҳасидаги матонатли ишангиз маъқуллашга ва ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашга лойиқдир.

Картошка ва бошқа маҳсулотлар яъли ҳосилининг ва давлатга сотишнинг анча қўлайганини — деҳқончилик маънавияти ошганлиги, фан ва илгор таъриба ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, механизаторлар, барча колхозчилар ва совхоз ишчилари маҳорати ўсганлиги натижасидир, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари катта ташкилотчилик ва сийсий иш олиб борганлиги натижасидир.

Азиз ўртоқлар, юксак социалистик мажбуриятларингизни бажаришда сизларга муваффақиятлар тилаймиз.

Л. БРЕЖНЕВ.

КЕКСАЛАР ҲИММАТИ

Назояи номли колхознинг 350 дан ортиқ пенсионерлари, Улуғ Батаи урушининг ветеранлари аjoyиб ташаббус билан майдонга чиқдилар. Улар Бекобод районидagi барча қарияларни деҳқонлар пешона тери тўкиб егиттирган пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга холи қудрат мадад беришга чакирдилар. Уларни биринчи бўлиб колхоз даласида пахта теримини бошлаб юбордилар. Улар Гулнора Тўраева, Махбуба Рустамова, Саломат Мирзаева сингари кунинга 150—200 килограммдан пахта тараётган чевар теримчилар қаторида меҳнат қилимоқдалар.

Ҳозир бу колхознинг Қ. Хўжаев, Қ. Тўраев, Қ. Жоносов, Ж. Азаматов бошлиқ бригадаларида терим қизгин. Пахтазорларда ёш-қари баробар меҳнат қилаётти.

А. ҲАМЗИЕВ.

„Оқ олтин“ жирмонига



ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 15 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устуи — район лар: иккинчи устуи — бир кунда тайёрланган пахта: учинчи устуи — шу жумладан машинада: туртинчи устуи — мавсум бошидан буйн терилган пахта: бешинчи устуи — шу жумладан машинада.

Янгийўл	1,52	—	14,36	0,16
Чиноз	1,17	0,08	8,60	0,08
Пискент	1,33	—	6,63	—
Бўка	1,67	1,16	6,26	2,01
Бекобод	0,84	0,24	4,64	0,30
Ўрта Чирчиқ	0,71	0,34	3,68	0,34
Оқўрғон	1,04	0,60	3,59	0,60
Юнор Чирчиқ	0,70	—	2,75	—
Кўин Чирчиқ	0,13	—	0,60	0,06
Область бўйича:	1,01	0,34	5,25	0,50

ЧОРВА ҚИШЛОВИГА ҲОЗИРЛИК

ҒАЗАЛКЕНТ (за мухбиримиздан). Жданов номи колхоз Бўстонлиқ районидagi кўп тармоқли илгор хўжаликлардан бири. Бу колхоз аъзолари ўзининг беш йиллигининг дастлабхи йилида мўл-кўл ғалла, чорва, сабзавот маҳсулотларини етиштириш учун курашмоқдалар.

Бу колхозда чорвачилик асосий тармоқлардан ҳисобланади. Колхоз йилловларида 13 минг бош қўй боқилмоқда. Бу йил колхоз чўпонлари совликлардан кўпроқ кўин олиш учун курашиб, яхши самаралар эришдилар. Колхоз бўйича ҳар юз бош совликлдан ўрта ҳисобда 102 тадан кўин олинди. Колхозда тушт, сўт топириш планлари муваффақиятли бажариляпти.

Ҳозир колхоз чорвадорлари чорва қишловига эфр бериб тайёргарлик кўрмоқдалар. Чорва қишловининг муваффақиятли ўтиши дастлаб муштаҳам ем-хашак базасига боғлиқ. Шунинг назарда тутган чорвадорлар шу кунга қалар пландаги 3316 ўринга 5363 тонна ем-хашак, 1635 тонна силос, 1603 тонна сенаж тайёрлаб қўйдилар.

Чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш қўралари 30 вақтида ремонт қилиб, қўйиллишга ҳам боғлиқ. Шуни ҳисобга олиб колхоз правленнеси яйловлардаги 22 та қўрини ремонтдан чиқариб қўйди. Қўшнмча яна битта қўра қурила бошланди.

ИЛҒОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Тошкент области комитети, области ижроия комитети ва области касаба союзлари советини озуқа экинларини янгиштириб олиш ва озуқа тайёрлаш юзасидан районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасида августнинг иккинчи ярмида ўтказилган социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқиб, қарор қилдилар.

Ўзбекистон КП области комитети, области ижроия комитети ва области касаба союзлари советининг кўмаи Қизил байроғи Калинин району (район партия комитетининг секретари — Р. Қамбаров, район ижроия комитетининг раиси Р. С. Ташмухамедов, колхоз хўжалик ва тайёрлов органдари ишчи-хизматчилари касаба союзлари район коми-

тетининг раиси С. Исмоилов ўртоқлар) берилди. Район меҳнаткашлари деғал хашак тайёрлаш йиллик планини 105,6 процент, силос бостириш планини 60,9 процент, ўт уни ишлаб чиқариш планини 60,9 процент қилиб бажардилар. Август ойининг иккинчи ярмида деғал хашак тайёрлашда 10,8 процент, силос бостиринишда 29 процент ва ўт уни ишлаб чиқаришда 3,2 процент ўсиш таъминланди.


Байроқ Юкори Чирчиқ районидан олиб берилди.

Ўзбекистон КП области комитети, области ижроия комитети ва области касаба союзлари советининг кўмаи Қизил байроғи Бўстонлиқ районидagi Жданов номи колхозга (колхоз раиси А. Абдухаликов, партия комитетининг секретари И. Абдуллаев, касаба союз комитетининг раиси Т. Тожибоев ўртоқлар) бе-

рилди. Бу колхоз аъзолари деғал хашак тайёрлаш йиллик планини 121 процент, сенаж бостириниш планини 124 процент, ўт уни ишлаб чиқариш планини 101 процент ва силос бостириниш планини 43 процент қилиб бажардилар. Август ойининг иккинчи ярмида деғал хашак тайёрлашда 12,6 процент, силос бостиринишда 43 процент ўсиш таъминланди.

Байроқ Пискент районидagi «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозидан олиб берилди.


Области матбуот жамиятига жамоат чорваси учун озуқа тайёрлаш илгорларига сотиш учун Калинин районуни, шу райондаги Оқунбобоев номи совхозга ва Бўстонлиқ районидagi Жданов номи колхозга биттадан энгил автомашина ажратиш топирилди.



Суратда: Бўка районида машина терилм пайти.

А. Абалайи фотоси.

НАЗОРАТЧИЛАР ПАХТАЗОРЛАРДА





ТОШКЕНТ ЯНГИЛИКЛАРИ

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Тошкент тикув ишлаб чиқариш бirlашмаси коллектив сифатида самардорлик беш йилликнинг муваффақиятини бoшлад. Корхона коллективининг муваффақияти ва унинг ишлаб, 9 йилдан тошкентлик муддатидан илгари бaжарди.

Тикув бirlашмаси асосан аёллар учун икки йиллик ишларни шаклландирди. Унинг формалар ишлаб чиқаради. Ўзбек икки йиллик ишларини тaйёрлашда атласдан фойдаланилади. Кремлиннинг тикилган аёллар кўйаклари ҳам кўпчиликка манзур бўлади.

Тошкент тикув ишлаб чиқариш бirlашмаси ўтган 9 сн давомида Фарғонага қарашли 613 миң унинг 680 миң сўмлик, Бухоро областида 530 миң унинг 586 миң сўмлик Самаркандга эса 750 миң унинг 968 миң сўмлик тaйёр кийимлар жўнатди. Республиканинг қолган областларига буюртма асосида кийим-кечак юборилмоқда.

КОНКУРСГА МАРҲАМАТ

«Главташкентстрой»га қарашли пардозлаш трести кўрмачикурсе ўзлон қилди.

Конкурс асосан муҳитнинг муҳаббат қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича ўтказилди. Конкурсе голибларига трест касба совоқ комитетининг Фахрий ёрлиги ва пул мукофоти берилди. Улар бундан ташқари дам олиш уйлари, туристик сайёҳатлар учун бепул путовалар билан ҳам мукофотланганида. Кўрмачикурсе 1976 йилнинг ноябрь ойига қадар давом этади.

ЯНГИ ТАЯНЧ ПУНКТИ

Тез кунларда марказий пахта тозалаш илмий-техник институтини янги лаборатория қорусига эга бўлади.

«Главташкентстрой»нинг 153-трести 3-қўриқли бошқармачилигининг биноклари Шота Руставели кўчасида беш қатлаfli эмпоний бинонинг октябрь ойида фойдаланишга топширилганлигида.

Шу йилга қадар институтнинг асосий таълим пункти Бектемирда бўлиб, таърифа ва синовлар уша ерда ўтказиларди. Бундан ташқари, областнинг кўпгина пахта заводларида ҳам шундай лабораториялар мавжуд эди. Янги лаборатория ишга туширилганидан кейин эса асосий таъдиқотлар бевосита институтнинг ўзидо олиб бoрлади.

Институт мутахассислари фақат таъдиқотга эмас, катон ва бошқа ўсимликларнинг ҳам кийим ва физик хоссаларини ўрганадилар.

Р. ТУЛАГАНОВ.

СУД ЗАЛИДАН

НОЖЎЯ ИШ КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Ўтган йилнинг ноябрь ойида Байтўрагон қишлоқ Советидан «Правда» колхозидо ишловчи Саъдулла Ирисметовнинг ёнига 20 ёшлардаги йилит қайнада-чайида яқинлашди. Афтидан бирт мастини билиниб турган бу йилит дағдага билан ундан пул сўради.

— Ёки қоньяк олиб бeрасан!

Пултўсардан қутулиш осон бўлмасди. Аранг қорчиб угуларди. Ёнига шушун: Алишер унга касп бўлиб қолди. Бир оз вақт ўтган Саъдулла ишлайдиган «Правда» колхозининг отхонасига яна чақирилмаган «меҳмонлар» таъдиқот буюришида. Садом алий йўқ. Алишер унинг устига бoстириб келди.

— Жонингдан умининг бўлса биз айтганига қиласан, — деди шериги Миртолпoвга ишора қилиб. Кейин пичоқ ўқиталиб иккита от, пул келтиришни буюрди. Йилитларнинг вақоатидан қўчига Саъдулла иккита от бeришга мажбур бўлди. Шу пайт хушёр торган Миртолпoв иш шу хилда кeтса охири «вой» бўлишини сезди. Ёнига четга олиб, жонийдан бош тортиди. Алишер эса отга миниб жўнади. Лекин узоқда бoрмади.


Яқинда халқ суди Чирчиқ шаҳар Красногвардейскай қўрқисидоги 29-ўйда яшовчи Алишер Ўрашевнинг жоний ширини кўриб қилди. Илгари ҳам судланган, лекин назордан турган хулоса чиқармаган бу бeзори 4 йил муддатда озодиндан маҳрум этилди.

М. УСМОНОВ,
Оржоникидзе район
қўқ судининг раиси.
Т. ҚОДИРОВ,
район ички ишлар бошқармасининг сержанти.

БИЛИНГ

Мисли олмос жилавар,
Эя-я ёниб турсам агар,
Эя-я ёниб турсам агар,
Қўғларим садосидан билинг.
Қўғларим ҳам ёна порлаб,
Хандан тарк этмас лаб,
Мангайим турса ярақлаб,
Меҳру сафосидан билинг.
Ер бўлса шундай кироий,
Меҳру садақатга бойи,
Дейдлар, озининг чироий,
Сархуш навосидан билинг.
Шундайин ёнинг куйида,
Жон фидо этсин Фарид,
Ардоқлаб қўғларини турди,
Ерининг вафосидан билинг.
Фарида УСМОНОВА.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ядро физика институтини ядро физика халқ хўжалигига қадар фойда келтирилган. Суратда: операторлар Х. Яқсeва ва М. Муново атом реакторининг бошқариш пультаи ёнида.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

(«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)
Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана
и областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

«Узспортторг»га қарашли хўжалик ҳисобида ишлайдиган 14-магазин коллектив товар обороти планларини доимо ортиғи билан бажариб кeлмоқда. Магазинда харидорларга асосан комсомол-ёшлар хизмат кўрсатадилар. Суратларда: (ўнгдан чапга) магазин директори, таърибали савдо ходими Омон Юнусов харидор билан суҳбатлашмоқда, туризм бўлимининг сотувчиси Обиджон Содиқов туристлар ходирини харидорга кўрсатади, (чапда) туристик палатанинг кўрниси.

А. Абалей фотолари.



«ОЛИМПИАДА—80»

1980 йилда Москвада улкан спорт анжумани ўтказилиши ҳақида яхши маълум. Ҳозир бутун мамлакатимизда Олимпиада ўйинларига қадар тайёргарлик кўриломоқда. Олимпиадани ўтказиш таъиноти бу улкан спорт воқеасига қандай ҳозирлик кўрилатгани билан таъиноти бoриш мақсадида «Олимпиада—80» журналини нашр эта бошлад. Журналининг 1-сонидан бoриш.

СПАРТАКИАДА ТУГАДИ

Эркалар ўртасидаги баскетбол мусобақалари билан республика зардор куришларининг анжумани спартакиадага яқин исалди. Туртинчи марта ўтказилган бу мусобақалар жуда омиқай тус олади. Физкультура коллективларида бўлиб ўтган спартакиада 34 миңдан зиёд спортчи иштирок этиди.

Спартакиада финал мусобақаларида «Қаршестрой» вакиллари энг яхши натижаларни қўлга киритдилар. Улар 117 очко билан биринчи ўринни эгалладилар. «Чарвакестрой» вакиллари эса иккинчи ўринни эгалладилар.

Ўтган кун республика комсомол Марказий Комитетидо спартакиаданинг таъиноти ёпилиш маросими бўлди. Унда голибларга совринлар, Ўзбекистон ЛКМ Марказий Комитетининг фахрий ёрлиқлари ва республика спорт комитетининг дипломлари таъиноти.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ГОЛИБ

Янгибодда қоя забткорлиги бўйича республика шахсий биринчилиги бўлиб ўтди. Мусобақаларда қўғли спорт жамятлари ва таъдиқотлари командалари иштирок этиди.

Шахсий ҳисобда тошкентликлар Виктор Леонтьев ва Татьяна Маллешевлар биринчи ўринни эгалладилар. Умумий ҳисобда эса республика спорт комитетининг кўчма совринини «Меҳнат» жамяти командаси қўлга киритди. Иккинчи ўринни «Локомотив» спортчилари, учинчи ўринни эса Чирчиқдаги «Чимен» спорт клуби вакиллари эгалладилар.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Қамчибек КЕНКА.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

СССР Минмонтажспецстройга қарашли СВЕРДЛОВСК ЎЎВ КОМБИНАТИ лифт бўйича слесарьмонтажчилар таъиёрлайдиган БШ ОПЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8-10 СИНФ ҲАҚИМИДА МАЪЛУМОТЛИ 18 ЁШДАН КИЧИК БУЛМАГАН. СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ЗАПАСТА БУША-ТИЛДАН ИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Курсантларга ойига 76 сўм ҳақимида стипендия тўланади ва бепул етоҳона бeрилади.

Курсантлар кундаги хўжоналарини топирадилар: маълумоти туғрида ҳуқуқат, меҳнат дафтарчаси, 3х4 см. ҳақимидаги 4 та фотосурат, медицина справкеси (286-форма).

Курсантлар тўғатан ишчилар Тошкент шаҳридаги асосан йирик халқ хўжалик қуришларини олиб бoриётган СССР монтаж ва маҳсуе қуриш ишлари министрлигининг монтаж трестлари таъинотида ишлаш учун юборилдилар.

МАШГУЛОТЛАР 1976 ЙИЛ 4 ОКТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Маълумотлар учун кундаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, «Индонзор» массиви, 6-квартал, «Союзлифт-монтаж» трестининг Ўрта Осиё монтаж участкаси. Телефон: 78-30-68, 78-30-79.



ТОШКЕНТ
ШАҲРИДАГИ
АҲОЛИНИ ИШГА
ЖОЙЛАШТИРИШ ВА
ИНФОРМАЦИЯ
БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ҚОҒОЗ КОМБИНАТИГА

ускуналар системасидан фойдаланиш ва кондиционерлаштириш бўйича таърибали бўлган слесарлар, электромонтерлар, фрезерчилар, токарлар, тарозбонлар, юк ташувчилар, электр цехи бошлиғи, қозғоқ қирқадиган машиналарга ишчилар, техника ускуналар хизмати ва ремонт бўйича навбатчи слесарлар

К Е Р А К

«ТАШТЕКСТИЛЬМАШ» ЗАВОДИГА

силлиқловчилар, электромонтерлар, фрезерчилар, универсал-токарлар, қолипчилар, тара таризувчилар, мастерлар, штеркчилар, зиротчилар, қирқувчилар, қуриш касбидоги ишчилар

К Е Р А К

АГРЕГАТ ЗАВОДИГА

токарлар, фрезерчилар, йўнувчилар, пармаловчилар, слесарь-инженерлар, бўғичилар, электромонтерлар, тракторчилар, станокчи, шоғирдлар

К Е Р А К

2-ПОЯОФЗАЛ ФАБРИКАСИГА

заготовочилар, биқичилар, пойафзал тикувчилар, омборчилар, турли ишчилар

К Е Р А К

3-ТАКСМОТОР ПАРКИГА

намида 3 йил иш таърибали бўлган 1, 2 ва 3-класс шофёрлари

К Е Р А К

ЕФ-МОЯ КОМБИНАТИГА

ремонтчи-слесарлар, навбатчи слесарлар, электрчилар, химия ускуналари аппаратчилари, юк ташувчилар, лаборантлар, ердамчи ишчилар

К Е Р А К

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-қоғда, 5-хона ва раёон ишловчи комитетлари қоғдаги аҳолини ишга жойлаштириш пунктлари.



БУГУН
МАРКАЗИЙ
ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ
«ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Ортадаги гимнастика. 10.30 — Планета ёшлари. 11.30 — Ёттинчи ўқ (бадий фильм). 12.35 — Концерт. 15.15 — Буюк бўйдоқкорлик қўғлидаги. 16.00 — Комментатор Н. А. Римский-Корсаков. (биринчи кўратув). 16.25 — Биз табиат билан таъинишамиз. 16.45 — Совет қончилигини асослари. 17.15 — Шахмат мактаби. 17.45 — Дўстимиз — Монголия. 18.15 — Хонейв: Канададаги халқаро турининг иккинчи финал матчи (биринчи давр). 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Финал матчининг давоми. 20.45 — Ўртоқ Ледевалл. 21.00 — «Сатирикон» саҳифаларида (теле-спектакль). 22.00 — «Вант». 22.30 — Спорт программаси. 23.35 — Футбол АБК (Афина) — «ДИНАМО» (Москва).

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўзв кўрсатуви. 12.00 — Хўжалик фильм. 12.25 — Жамятшунослик. 13.00 — Еврей ит Динго (бадий фильм). 14.30 — Вадий Эриш. 15.05 — Д. Пристли. «Энди натавершини» (теле-спектакль). 18.30 — Қишлоқ ёшлари. 19.00 — «Прогресс» программаси. 19.25 — Буюк ва қудратли тил. 19.45 — «Ахборот». 20.00 — Кино оламида. 20.45 — Пахтазор — мардлар майдони. 21.00 — «Ахборот». 21.20 — Н. В. Гоголь. «Ревизор» (спектакль). 22.00 — «Вант». (Москва). 22.30 — Спектаклининг давоми.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 Умр бир марта бeрилади (бадий фильм). 20.35 — Тошкент янгиликлари. 20.50 — Петропавлов (телефильм). 21.10 — Кўча ҳаракати ҳақисизлиги учун. 21.40 — Жаҳоннинг маҳхур композиторлари: Клод Дебюсси.



МУҚИМИН НОМЛИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИ-
ДА — 1611X да Жон қизлар
(19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ВШ ГВАР-
ДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА —
16, 1711X да Сканенинг хий-
ласи (19.30).



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ-
ДА — Шимоний Осетия АССР-
да хизмат кўрсатган артист
ЭМИЛЬ КИО раҳбарлигида йи-
рик иллозион рева гастрол-
лари (19.30).



ҚИНО

Кора қисқичбақа панжасида
— «НУКУС» (17, 19, 21). «ЧАП-
— «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИ-
— «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ
50 ИЛЛИГИ» (нуфт соатлар-
да). «ВОСТОК» (қуңдуз ва
кечқурун).

Табор нуқна итилади —
«КОЗОГИСТОН» (12, 13, 17, 18,
19, 21). «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛ-
ЛИГИ». «ДРУЖБА» (қуңдуз ва
кечқурун).

Қамал — САНАТ САРОНИ
(қуңдуз ва кеңқурун).

Дардағи олма — «ЎЗБЕ-
КИСТОН» (нуфт соатларда).

Пролетар динтатураси учун
бриллиантлар — «КОЗОГИС-
ТОН» (14, 15, 20).

Алдаш — «НУКУС» (11.30,
14.15).

Оволи соҳил — НАВОНИЙ
номли (қуңдуз ва кеңқурун).

Голя — «МОСКВА» (қуңдуз
ва кеңқурун).

номмутатор — 330249 дан 330258 гача.
Эълонлар — 338142.